*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 119 ((8859). ● 17 июнь, 1986 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ЭКОНОМИКАМИЗНИ ҚАЙТА ҚУРИШ, СОВЕТ ЖАМИЯТИНИ ЖАДАЛЛИК БИЛАН РИВОЖЛАНТИРИШ, КАТТА СОЦИАЛ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ, МАМЛАКАТНИНГ ИШОНЧЛИ МУДОФААСИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЗАМОНАВИЙ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ — БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ СИЁСИЙ ВАЗИФАСИДИР. ВАҚТ БИЗНИ КУТИБ ТУРМАЙДИ. БЕЛГИЛАНГАН ҲАММА ИШЛАРНИ БИЗ ЎЗ МУДДАТИДА БАЖАРИШИМИЗ ШАРТ, ЧУНКИ ГАП ДАВЛАТИМИЗНИНГ ҚУДРАТИ ВА РАВНАҚ ТОПИШИ ТЎҒРИСИДА, СОЦИАЛИЗМНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ПОЗИЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА, БУТУН ДУНЁДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ҲАҚИДА БОРМОҚДА.

(КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми материалларидан).

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1986 йил 16 июнда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум қуйидаги масалаларни муҳокама қилди:

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат плани ҳамда партия ташкилотларининг уни амалга ошириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида;

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитетининг 1986 йил 10—11 июнь кунлари Будапештда бўлиб ўтган кенгаши якунлари ҳақида.

Шу масалалар юзасидан Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Пленумда доклад юзасидан бўлган музокараларда:

РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин, СССР 50 йиллиги номли Волжск автомобиль заводи электрикларининг бригадири В. М. Малихин, электрон саноати министри В. Г. Колесников, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, СССР қора металлургия министри С. В. Колпаков, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. Н. Слюньков, Қозоғистон Компартияси Актюбинск область комитетининг биринчи секретари Ю. Н. Трофимов, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский, КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари Н. С. Ермаков, С. М. Киров номли Иваново тўқувчилик фабрикасининг директори В. Н. Голубева, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. К. Пуго, КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари В. И. Калашников, КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Г. И. Усмонов, приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министри М. С. Шкабардня, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Патиашвили, станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри Б. В. Бальмонт ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат плани лойиҳасини ва ўртоқ М. С. Горбачевнинг докладида баён этилган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси партиянинг КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган иқтисодий стратегиясини амалга оширишга қаратилган қоидалари ҳамда хулосаларини маъқуллади. Беш йиллик планни СССР Олий Советии муҳокамасига киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Пленум қатнашчилари ўн иккинчи беш йиллик планларини тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасини якдиллик билан қабул қилдилар.

Пленум Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Будапештда бўлиб ўтган кенгаши якунларини юқори баҳолади ва совет делегациясининг шу кенгашдаги фаолиятини тўла-тўкис маъқуллади.

Мазкур масалалар юзасидан Пленум қабул этган қарорлар матбуотда эълон қилинмоқда.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети бешинчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларга доир таклифлари кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

# СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ҲАМДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ УНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## *КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВ доклади*

Ўртоқлар!

Биз бугун съезд белгилаб берган бош йўл қандай рўёбга чиқарилаётганлигини муҳокама қилишимиз, съезддан кейинги ишларга дастлабки якунларни ясашимиз ва улардан сабоқ чиқариб олишимиз, партиянинг навбатдаги вазифаларини белгилашимиз лозим бўлади.

Съезддан кейин унча кўп вақт ўтгани йўқ, албатта. Бироқ давр ниҳоятда масъулиятли бўлиб, ҳозир жамият олдида пайдо бўлаётган улуғвор вазифаларнинг ўзгаришлар маромини муттасил назорат остида тутишни, ўй-фикр ва режаларимизни ҳаётнинг реал бориши билан қиёслаб туришни тақозо этмоқда. Хуллас, гап шу пайтнинг моҳияти ҳақида, ўй-фикр ва режалар қандай қилиб амалда рўёбга чиқарилаётганлиги, биз қандай ғовлар ва мушкулликларга дуч келганлигимиз, бундан буён қандай ҳаракат қилишимиз кераклиги тўғрисида бормоқда.

Совет жамияти КПСС XXVII съездидан кейин барча соҳаларда — сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларда ҳаракатга келди. Ижтимоий ривожланиш қудратли жўшқин куч олди, бу эса омманинг сиёсий онглилигини яна ҳам кучайтириб юборди. Съездда ҳукм сурган қатъият, талабчанлик, ҳаққонийлик муҳити барча амалий ишларга сафарбар қилувчи таъсир ўтказмоқда. Совет кишилари новаторлик ташаббусларини қизғин маъқуллаб, уларни қўллаб-қувватламоқдалар, қайта қуриш умумий ва амалий тус касб этишини қатъий талаб қилиб чиқмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси съезд ғоялари ижтимоий онгга чуқур сингиб бораётганлигидан, содир бўлаётган жараёнларнинг муқаррарлигини объектив равишда белгилаб бераётганлигидан далолатдир.

Эндиликда биз съездда ҳозирги даврнинг бурилиш характерига мос келадиган тўғри қарорлар қабул қилганлигимизга яна ҳам кўпроқ амин бўлмоқдамиз. Мазкур қарорлар мамлакатнинг, умуман социализмнинг тақдирида алоҳида роль ўйнаши лозим, бу эса ўз-ўзидан равшанки, бутун жаҳон тараққиётига катта таъсир ўтказади. Биз партия ташаббуси билан бошланган ўзгартишларнинг миқёсларини ҳам, чуқурлигини ҳам, ҳали бартараф этилиши керак бўлган турли хил чигалликларни ҳам тўлиқроқ, аниқроқ тасаввур этмоқдамиз. Ҳозирги ва келгусидаги имкониятларимизни ҳам яхшироқ кўриб турибмиз.

Чет элларда съездга бўлган қизиқиш сусайгани йўқ. Бундай қизиқиш социализм мамлакатларида айниқса кучлидир. Съезд қарорлари тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашда таъсирчан омил бўлиб қолди. Дўстларимизнинг маъқуллаши ва қўллаб-қувватлаши танлаб олинган йўлнинг тўғрилигига бизда ишонч ҳосил қилмоқда, уни изчиллик, собитқадамлик билан амалга ошириб бориш учун зиммадаги юксак масъулиятни эслатиб турибди.

Жаҳоннинг носоциалистик қисмидаги реалистик фикрловчи кишилар умуман бизнинг кенг миқёсли социал-иқтисодий ривожланиш планларимиз тинч қурилишга, ҳар томонлама халқаро ҳамкорликка қаратилган ташқи сиёсат билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яна бир бор кўра олдилар.

Америка Қўшма Штатларининг реакцион доиралари бошчилик қилаётган милитаризм ва агрессия кучлари бизнинг планларимизни ўзгача кутиб олдилар. Улар ҳозир халқаро вазиятни соғломлаштириш, ядро-космик асрининг характерига мос бўладиган халқаро муносабатларни шакллантириш борасидаги совет ташаббусларига қарши яна ҳам кучлироқ душманлик билан кураш олиб бормоқдалар.

Умуман ўртоқлар, биз ички вазифаларни ва ташқи шароитларни ҳисобга олиб, беш йиллик планнинг энг муҳим масалаларини кўриб чиқишимиз керак. Бу план яқин йиллардаги ва истиқболдаги ишларимизнинг ўзагини ташкил этади.

Биз съезддан кейинги фаолиятнинг шундай босқичига қадам қўйдикки, бунда қайта қуриш ва қуриш, эришилган натижаларга бир дақиқа ҳам маҳлиё бўлмай, янги форма ва методларни қидириб топиш маҳоратини кўрсатишимиз шарт. Эндиликда экономикани ривожлантиришда жўшқин суръатларга эришиш, юксак самарадорлик кўрсаткичлари, социал соҳадаги жиддий ижобий ўзгаришлар баҳо беришнинг бош мезони бўлиб қолмоқда. Бизга режаларга қарабгина эмас, балки аввало жамиятдаги реал ўзгаришларга, амалий натижаларга қараб баҳо беришади.

### I.

### ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ДАСТЛАБКИ САБОҚЛАРИ

Ўртоқлар! Биз барча партия комитетларининг, совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг фаолиятига баҳо беришда амалий ишлар ҳамда натижалар нуқтаи назаридан ёндашувимиз шарт.

Айни мана шундай ёндашув содир бўлаётган ишлардагина эмас, шу билан бирга бундан буёнги фаолиятни қандай қилиб ташкил этиш кераклигида ҳам тўғри йўлни топиш имконини беради. Биз кўриб турганимиздек, реал ҳаётда ижобий тенденциялargina ривожланиб қолмай—бундай тенденциялар жамиятда устунлик қиляпти, албатта — шу билан бирга қайта қуриш жараёни дуч келаётган тўсқинлик қилувчи омиллар амалда мавжуд эканлиги учун ҳам шундай қилиш керак. Баъзида бундай омиллар объектив характерда бўлса-да, лекин улар кўпинча ўзи бўларчиликдан, эскирган одатлардан, қотиб қолган психологиядан келиб чиқмоқда.

Ҳозир XXVII съезд позицияларига қатъий ўтиб олган, ишга зўр ғайрат билан киришган кишилар ўзларини актив намоён этиб, вақтларини ҳам, кучларини ҳам аямаяптилар, қайта қуриш жараёнидаги ўзларининг муносиб ўринларини излаб топмоқдалар. Шундай ўртоқлар ҳам оз эмаски, улар янгича ишлаш зарурлигини сиёсий жиҳатдан тушунадилару, аммо буни амалда қандай рўёбга чиқариш кераклигини билмайдилар, холос. Уларга бутун чоралар билан ёрдам бериш керак. Биз содир бўлаётган ўзгаришларнинг моҳиятини ҳали англаб етмаган, вақт ўтишини кутиб турган ёки партиянинг иқтисодий ва сиёсий бурилиш соҳасидаги режасининг муваффақиятига ишонмаётган кишиларни ҳам кўрмаслигимиз мумкин эмас.

Съезднинг жадаллаштириш негизи бўлмиш омманинг ижодкорлигини ривожлантиришга қаратилган йўл-йўриғи жамиятга чуқур таъсир ўтказмоқда. Бу йўл-йўриқ социал адолат учун, демократияни, тўла ошкораликни ривожлантириш, турмушни майда буржуа психологиясининг барча кўринишларидан тозалаш учун кураш билан ғоят чамбарчас боғланган. Совет кишиларининг сиёсат ва экономикага, маданият ва ахлоққа, бутун ижтимоий ҳаётга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу мамлакатда меҳнат ғайрати ва сиёсий активликка, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга сезиларли таъсир ўтказмоқда.

Совет кишиларининг уюшқоқлиги ва ватанпарварлиги Чернобилда бўлгани каби фавқулодда ҳолатларда ҳам ғоят яққол намоён бўлди. АЭСдаги авария қаттиқ синов бўлди. Ишчилар, ўт ўчирувчилар, инженерлар, врачлар, олимлар, жангчилар мушкул дамларда сабот-матонат, фидокорлик, мардлик кўрсатдилар.

Авария оқибатларини тугатишга бутун мамлакат отланди. КПСС Марказий Комитетига, маҳаллий партия ва совет ташкилотларига келаётган жуда кўп миқдордаги аризаларда Чернобилга юбориш илтимос қилинади. Фалокатга учраган оилаларга ихтиёрий равишда маблағ тўплаш кенг авж олиб кетди. Кўпгина меҳнат коллективлари азият чекканларга ёрдам учун бир неча сменада текин ишлаб бериш мажбуриятини олдилар.

Ҳалок бўлган кишиларнинг оилаларига Пленумимиз номидан чуқур ҳамдардлик изҳор этишга, ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, аварияга қарши курашган, ҳозир унинг оқибатларини фидокорлик билан тугатаётган барча кишиларга сидқидилдан миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ўртоқлар! Социал-иқтисодий ривожланишнинг барча йўналишларида бизнинг олдимизга мураккаб вазифалар қўйилади. Ўз-ўзидан равшанки, йиллар мобайнида йиғилиб борган камчиликлар ва қолоқликка бир неча ой ичида барҳам берилишини кутиш гўллик бўлур эди. Бироқ халқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини ошириш тенденцияси намоён бўлди. Биз буни аввало, халқнинг фаол меҳнати билан, жамиятда содир бўлаётган ижобий жараёнлар билан боғлаймиз.

Шу йилнинг беш ойи ичида саноатдаги ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 5,7 процентни ташкил этди. Кўп йиллар мобайнида орқада қолиб келган кўмир саноати, қора металлургия, темир йўл транспорти каби тармоқларда ўзгаришлар мавжуд. Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари яхшироқ ишлай бошлади. Нефтчилар ҳозирча қийинчиликларни бартараф эта олишмаяпти, аммо бунда ҳам умидбахш тенденциялар пайдо бўлди. Машинасозлик комплексининг бир қанча тармоқлари жўшқин ривожланмоқда. Аграр секторда ишлар қизғин давом этмоқда.

Россия Федерациясининг кўпгина областлари ва ўлкаларида, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйида, бошқа жойларда партия, совет ва хўжалик органларининг, меҳнат коллективларининг ишлари авж олдириб юборилди, улар корхоналарда ташаббускорлик ривожлантирилган, ижодий ишчанлик муҳити вужудга келтирилган тақдирда нималарга эришиш мумкинлигини амалда кўрсатмоқдалар.

Хўш, ҳозир энг муҳими нимадан иборат? Бу — эришилган ўсиш суръатларини мустаҳкамлаб, уларни янада кучайтиришдан иборатдир. Бу иш реал бўлсада, айниқса биз қайта қуришнинг энг бошланиш даврида турганлигимизни: ташкилий жиҳатдан ҳали ҳамма ишлар қилинмаганлигини, халқ хўжалигида яхшилик сари бундан буёнги ўзгаришларнинг боришига ҳал қилувчи таъсир ўтказиши лозим бўлган иқтисодий воситалар, омиллар ҳозирча тўла куч билан ишламаётганлигини эътиборга олганда у кўп куч-ғайратни талаб этади.

Муваффақиятлар билан бир қаторда биз заиф томонларни, бизга халақит қилаётган жиҳатларни кўрсатиб ўтмас эканмиз, экономикадаги ўзгаришлар таҳлили сира ҳам тўлиқ бўлмайди. Мен қайта қуришнинг ўзи ҳам ҳозирча секинлик билан боряпти, деб айтган бўлур эдим. Кўпгина корхоналарда ҳали ҳам штурмчилик авжида, қандай қилиб бўлмасин планни уддалаш керак деган эски шиор ҳамон амалда. Сифат, самарадорлик сари, раҳбарликнинг янги методлари сари бурилиш қийинчилик билан ва оғир ўтмоқда. Аммо бугунги кунда шу нарса ниҳоятда равшан бўлиши керакки, Марказий Комитет жамики соғлом нарсаларни, съезд қарорларига мос келадиган, амалда қайта қуришни кўрсатадиган, олға ҳаракат қилишга мос тушадиган ҳамма нарсаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган йўлга қатъий амал қилаверади. Худди шунингдек, биз ана шу жараёнга халақит қилаётган нарсаларнинг ҳаммасига қарши қатъий кураш олиб бораверамиз.

Апрель Пленумида бошланган ва XXVII съезд қарорларида ривожлантирилган янгиликлар иқтисодий соҳанигина эмас, балки бутун жамиятни ҳам тубдан қайта қуриш билан боғланган. Бу жараён осон бўлмай, у куч-ғайратларни ҳамда кадрларнинг, барча меҳнаткашларнинг тафаккурида жиддий ўзгаришларни тақозо этади. Биз муайян даражада пассивликни бартараф этишга, жавобгарлик ва уюшқоқликни оширишга, ташаббускорликка кенгроқ имконият яратиб беришга муваффақ бўлдик. Шу билан бирга корхоналарда, бошқарув соҳасида, илмий муассасалар ва ижодий коллективларда, партия ва совет органларининг фаолиятида қайта қуриш жараёни узилишлар билан олиб борилмоқда, эскича ёндашувлар ишни орқага тортмоқда, эскича услублар ҳали ҳам кучли.

Иш ўрнига сафсатабозлик қилинаётган, танқиддан кейин амалий хулосалар чиқариб олинмаётган, ўз-ўзини танқид эса ўзини савалаш формасига айланаётган ҳолларга дуч келинмоқда. Баъзи раҳбарлар ошкоралик тўғрисида баландпарвоз гапларни қалаштириб ташлайдилар, коллективнинг роли тўғрисида, ҳаётдаги демократик асосларни ривожлантириш ҳақида тўғри гапирадилар, лекин ҳамма бало шундаки, иш бундан нарига ўтмайди. Шундай қилиб, сохта қайта қуриш таассуроти ҳосил қилинади: оғизда ҳамма иш жойидаю, амалда эса ҳеч қандай ўзгаришлардан асар ҳам йўқ. Шу сабабли қайта қуриш беҳуда ишларга дуч келиб, тўхтаб қолмоқда.

Съезддан кейин ўтган вақт шуни кўрсатдики, ҳаракатимиз ва хўжалик юритиш янги методларини ўзлаштириш суръатларига талай даражада бошқарув аппаратининг жуда катталиги ва унинг иши самарасизлиги тўсқинлик қилмоқда. Бир томондан марказий иқтисодий идоралар, министрликлар билан, иккинчи томондан корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, меҳнат коллективлари ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни қайта тақсимлаш жараёни жуда оғирлик билан ўтмоқда.

Ҳатто бошқарув органларининг функциялари ўзгартирилганида ҳам баъзи раҳбарлар ҳар қандай йўллар билан буйруқ бериш ҳуқуқини сақлаб қолиш учун интилмоқдалар. Ваҳолонки, шундай бир оддий фикр ҳамма учун ҳозирдаёқ тушунарли ва равшан бўлиши керак: экономиканинг ҳозирги миқёсларида ҳеч қандай, ҳатто энг малакали министрлик ёки идора аппарати барча масалаларни муваффақиятли ҳал этишни ўз зиммасига олишга қодир эмас, меҳнат коллективларининг ижодий тафаккури ўрнини боса олмайди.

Ҳозир ҳам марказга тобора янги-янги бошқарув органларини тузиш, қўшимча штатлар ажратиш тўғрисидаги илтимослар келиб турганлиги факти ҳам аппарат ҳамма нарсага қодирлигига кўр-кўрона ишонишдан далолат беради. Бир қанча республикалар марказда амал қилаётган бошқариш структурасидан андоза олишга асоссиз равишда интилиб, СССР Министрлар Советига янги министрликлар ва идоралар ташкил этиш тўғрисида таклиф киритдилар. Уларда ҳозирнинг ўзидаёқ 50 ва ундан ҳам кўпроқ министрлик ҳамда идоралар, ўзга бошқарув органлари мавжуд бўлган бир пайтда шундай қилинмоқда.

Ўтган ойлар партиянинг барча бўғинларидаги иш услуби ва методларини қайта қурмай туриб, жамиятда қайта қуришнинг иложи йўқлигини яққол кўрсатди. Бу масалалар тўғрисида муфассалроқ гапириб ўтса арзийди, зотан уларга мен яна қайтаман.

Ҳозир янги услубни қарор топтиришда партия органларининг раҳбарлари жуда катта роль ўйнаётганликларини таъкидлаб ўтмоқчиман. Партия иши қанчалик изчил ва зўр ғайрат билан қайта қурилиши кўп жиҳатдан уларнинг позициясига, қандай ҳаракат қилишлари ва хулқ-атворларига боғлиқ бўлади.

Шу жиҳатдан иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари биринчи секретарларининг ва албатта, шаҳар ҳамда район партия комитетлари биринчи секретарларининг роли тўғрисида алоҳида айтиб ўтиш керак. Айни улар ишда етакчилик қилишлари, сиёсий билими доираси кенглигини, вазифаларни чуқур англашларини, ташкилотчилик қобилиятларини, баҳо беришда юксак масъулиятни, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳини, энг юксак маънодаги партиявийликни намойиш этишлари шарт. Ўшандагина муваффақиятли натижаларга, районда, шаҳарда, областда, республикада ижодий муҳит бўлишига умид боғлаш мумкин.

Ўртоқлар! Съездан кейинги ишимизнинг дастлабки ойларидан қандай асосий хулосалар келиб чиқади?

Партия, халқ съезднинг сиёсий йўлини актив қўллаб-қувватлаётганлиги энг муҳимидир. Меҳнаткашларни уюштириб ва жипслаштириб, партиянинг ўзи ҳам ишларини қайта қурмоқда. Ўтган ойлар қайта қуриш ҳаммага — оддий коммунистдан Марказий Комитет секретаригача, ишчидан министргача, инженердан академиккача — ҳаммага taaлуқли эканини яна бир бор тасдиқлади. Бу иш умумхалқ ишига айланган тақдирдагина охиригача етказилиши мумкин. Бунга ҳалақит бераётган нарсаларнинг ҳаммасини эса қатъиян бартараф этиш лозим.

Яна бир муҳим хулоса. Омманинг ижодкорлигини ҳатто энг яхши директивлар билан ҳам алмаштириб бўлмайди. Қайта қуриш меҳнат коллективларининг, барча кадрларнинг ташаббуси ва мустақиллигини бутун чоралар билан ривожлантиришни тақозо этади. Ҳозирги шароитларда ҳамма масалалар марказдан ҳал этилишига йўл қўйиб бўлмайди, қолаверса бунинг амалда имкони ҳам йўқ. Бу ҳақиқатни ҳамма уқиб олиши лозим. Корхоналар ва бирлашмаларнинг меҳнат коллективлари амалий масалаларни ҳал этиш учун масъулиятнинг асосий қисмини ўз зиммаларига олишлари керак. Муваффақиятли ишлаш учун — фан-техника тараққиётини авж олдириш учун зарур иқтисодий, ҳуқуқий, социал шароитларни яратиш эса — марказий бошқарув органларининг бевосита бурчидир.

Ва ниҳоят, съезддан кейин ўтган вақт ва сўнгги воқеалар съездда айтиб ўтилган ҳақиқат сабоғининг принципиал аҳамиятини жуда яққол тасдиқламоқда. Биз ҳар қандай вазиятда ҳам Лениннинг «хом хаёллар ва ўзини алдашлар қўрқинчли, ҳақиқатдан қўрқиш — ҳалокатлидир», — деб огоҳлантирганлигини ёдда тутишимиз лозим. Партия билан халққа катта ва кичик ҳамма ишда ҳақиқат керак. Шундай ҳақиқатгина гражданлик бурчини ҳис этиш туйғуси ривожланган кишиларни тарбиялайди, ёлғон ва чала ҳақиқат эса онгни бузиб, шахсни ўзгартиради, реалистик хулосалар чиқариш, баҳо беришга ҳалақит қиладики, буларсиз актив партиявий сиёсатнинг бўлиши мумкин эмас.

### II.

### ПАРТИЯ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧ

Ўртоқлар! Биз беш йиллик планни ва партия, мамлакатнинг барча меҳнаткашлари шу планни бажариш соҳасида ҳал этишлари лозим бўлган вазифаларни кўриб чиқишимиз керак.

Ўн иккинчи беш йилликка алоҳида роль ажратилмоқда. Социал-иқтисодий тараққиёт суръатлари, халқ фаровонлигининг даражаси шу йилларда биз халқ хўжалигида туб ўзгартишларни амалга ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун қандай пойдевор яратишимизга боғлиқ бўлади.

Беш йиллик план осонликча юзага келмаганини биласизлар. Хўжалик юритишнинг аввалги усуллари ва «базага қараб» планлаштириш экономикани мушкул аҳволга солиб қўйишини ҳисоб-китоблар кўрсатди. Йил

(Давоми иккинчи бетда).

# Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Белгиланган тадбирларни амалга ошириш 1990 йилга бориб жаҳондаги даражага мос келадиган асосий номенклатурадаги маҳсулот салмоғини 80-95 процентгача, янгидан ишлаб чиқилаётган маҳсулот салмоғини эса амалда 100 процентгача етказиш имконини беради. 1991-1993 йилларда энг юксак талабларга мос келадиган буюмлар ишлаб чиқаришга тўла ҳажмда ўтиш мўлжалланган.

Микропроцессорли техника қўлланиладиган машина-ускуналар салмоғи, лойиҳа, конструкторлик ишларини автоматлаштириш даражаси кескин оширилади. Приборсозликнинг замонавий электроника буюмларига бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилади.

Машинасозлик корхоналарини қайта жиҳозлаш суръатлари оширилади. Шу мақсадлар учун мамлакатда ишлаб чиқарилаётган машина-ускуналарнинг 38-40 процентга қадари йўналтирилмоқда. 1990 йилда ўз эҳтиёжларимиз учун махсус технология машина-ускуналари ишлаб чиқариш дастлаб белгиланган 2,5 миллиард сўмлик ўрнига 4-4,2 миллиард сўмликка етади.

Машинасозлик комплексини ривожлантириш учун ажратилган капитал маблағлар беш йилликнинг йиллари бўйича бир текис тақсимланган пудрат ишлари лимитлари билан батамом таъминланган. Капитал маблағларни фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларига жамлаш, қурилишнинг норматив муддатларига риоя этиш мақсадида машинасозлик соҳасида юздан зиёд қурилишни вақтинча тўхтатиб қўйиш мўлжалланмоқда. Мана шу қурилишлар бўйича лойиҳа ечимлари замонавий талабларга мос келмайди.

Машинасозликда хўжалик механизмини такомиллаштириш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Келгуси йилдан бошлаб фойда, меҳнат унумдорлигини ўстириш, материал ва ресурсларнинг асосий турларини сарфлаш салмоғини камайтириш каби умумлаштирувчи кўрсаткичлар ва нормативларнинг ролини кучайтириш ҳисобига тасдиқланадиган топшириқларнинг миқдори кескин қисқартирилади. Машина ва ускуналарни тонна ҳисобида ишлаб чиқаришни планлаштиришга барҳам берилади. Машинасозлик комплекси ичидаги тармоқларнинг баҳамжиҳат ишлашини белгилаб берувчи масалаларнинг кўпчилигини ҳал этиш йўллари топилди, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини янада оширишнинг бошқа резервлари очилди. Машинасозлик министрликларига 1986 йилда фан ва техниканинг илғор ютуқларини кенг қўлланиш асосида ҳар бир корхонани ва умуман тармоқларни техника билан қайта жиҳозлаш планларини тузиб чиқишни ниҳоясига етказиш таклиф этилди. Машинасозларни юқори сифатли ва прогрессив материаллар билан таъминлаш проблемасини ҳал этиш турдош корхоналардаги қувватларни қўшимча равишда ривожлантиришни талаб этади. Буни ҳам амалга оширишга тўғри келади.

Сиёсий бюро мана шу барча таклифларни кўриб чиқиб, уларни қўллаб-қувватлади ва Марказий Комитет Пленумининг маъқуллаши учун тақдим этади.

Ўртоқлар, бундай ниҳоятда масъулиятли ва мураккаб программани амалга ошириш одатдан ташқари куч-ғайрат, қизғин ва омилкорлик билан ишлашни тақозо этишини ўзингиз тушунасизлар. Уни бажариш керак, биз учун бундан бошқа йўл йўқ. Бошқа ҳар қандай йўл позициялардан чекинишни, қолоқликка юз тутишни билдиради. КПСС Марказий Комитети бунга йўл қўя олмайди.

Машинасозлик министрликларининг раҳбарлари, меҳнат коллективлари давлат аҳамиятига молик ғоят муҳим вазифани бажаришга тўла-тўкис тушуниб, тегишлича масъулият билан муносабатда бўладилар, деб умид қиламиз. Биз аввалги сабоқларни унутмай машинасозликни модернизациялаш программасини бажариши шарт бўлган кишиларнинг ҳаммасини олдиндан огоҳлантириб қўйишимиз керак: бунда белгиланган режалардан ҳеч қандай чекинишларга, ҳар қандай объектив ва субъектив сабабларни рўкач қилишга йўл қўйиб бўлмайди.

Ўртоқлар, халқ хўжалигини техника билан тубдан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялаш соҳасидаги ишимиз тўғрисида гапирганда капитал қурилиш проблемаларини четлаб ўтиш мумкин эмас. Янги беш йилликда капитал қурилиш ҳажмлари ғоят каттадир. Шу мақсадлар учун салкам бир триллион сўм ажратилмоқда. Қурилиш-монтаж ишларининг ўзигина 500 миллиард сўмликдан кўпроқ ёки ўн биринчи беш йилликдагига қараганда 20 процент ортиқ адо этилади.

Шу билан бирга қурилишдаги аҳвол ҳамон қониқарсиз бўлиб қолмоқда, қайта қуриш жараёни чўзиб юборилмоқда. Қурилиш трестларининг деярли ярми планларни муттасил бажармай қувватлар ва объектларни ишга тушириш муддатларини барбод этиб келмоқда. Қурилиш ишларини бошқаришнинг ташкилий структурасида жиддий нуқсонлар мавжуд. Кўп карра такрорланувчи объектларни батамом тайёр ҳолда топширадиган ялпи индустриал қурилиш бўйича лойиҳа-қурилиш бирлашмалари ҳамда фирмаларини ташкил этиш эзгу истаклардан нарига ўтмаяпти.

Умуман, ўртоқлар, бутун қурилиш ишларини такомиллаштириш билан обдон шуғулланишга, илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланишга тўғри келади.

Масалан, Белоруссия қурувчиларининг муваффақиятлари ҳаммага маълум. Республикада ўн биринчи беш йиллик мобайнида айни бир вақтда барпо этилаётган объектлар сони 21 процент камайтирилди, уларни барпо этишга кетадиган ўртача муддат 1,4 баравар қисқартирилди. Меҳнат ва моддий ресурсларни анча тежашга эришилди ҳамда шу билан бирга ишга тушириладиган барча қувватлар ва объектларнинг фойдаланишга топширилиши таъминланди. Бунда капитал қурилишнинг умумий ҳажмлари 19 процент, асосий фондларни ишга тушириш эса 23 процент кўпайди. Бутун республика миқёсида мана шундай қилинди. Бироқ жуда муваффақиятли тажриба ҳозирча Белоруссия чегарасидан ташқарига чиққани йўқ.

Мамлакатнинг бошқа районларида ҳам яхши мисоллар бор. 1979 йилда Москва областида Николай Ильич Травкин бошчилигидаги қурилиш бригадаси ташкил этилган эди. Хўжалик ҳисоби принциплари, ўзини-ўзи бошқариш элементлари катта имкониятларни очди, яхши натижаларга эришишни таъминлади. 1983 йилда ана шу коллектив негизида янги бош пудратчи ташкилот — 96-механизациялашган кўчма колонна тузилди. Кейинчалик эса Н. И. Травкин бошчилигидаги 18-«Мособлсельстрой» трестининг ҳаммаси хўжалик ҳисоби принципига ўтди. Мана, натижалар ҳам яққол кўриниб турибди. Ўтган йили трест коллективи аввалги йилга нисбатан 1,5 баравар кўп товар қурилиш маҳсулоти топширди. Унумдорлик 25 процент ошди, таннарх эса 12 процент арзонлашди. Бир вақтлар зарар кўриб ишлаган трест салкам 1,5 миллион сўм фойда олди. Ўртача иш ҳақи 11 процент кўпайди.

Шуни ҳам таъкидлаш муҳимки, Белоруссия ва Москва қурувчиларининг муваффақиятларига амалда айни бир хил моддий база асосида эришилди. Шу боисдан биз капитал қурилишдаги камчиликлар меҳнат ресурсларининг, транспортнинг етишмаслиги билан боғлиқ деган сўзларни эшитганимизда кўпинча бу сўзларнинг қадри йўқлигига ишончимиз комил бўлади. Тажриба мавжуд имкониятлар билан капитал қурилишни муваффақиятли юритиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда қурувчилар ихтиёрида бўлган барча воситаларни моҳирлик билан тасарруф этиш, ишда ижодкорлик, хўжалик ташаббускорлигини намоён қилиш керак, холос.

Биз капитал қурилишни тубдан қайта қуришимиз лозимлиги аён бўлиб турибди. Шу тармоқдаги илғор тажрибанинг ўзлаштирилиши учун жавобгар бўлганларнинг ҳаммасига нисбатан талабчанлик қилиш пайти келди. Қурилишни планлаштиришни, уни ташкил этишни ўзгартириш ва албатта унинг моддий базасини модернизациялаш керак.

## В). ХЎЖАЛИКНИ ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ЮРИТИБ, МОҲИРЛИК БИЛАН БОШҚАРАЙЛИК

Ўртоқлар! Беш йиллик план доирасида олға томон ҳаракатимизга жадаллик бахш эта оладиган бошқа кўпгина резервлар ҳам бор. Биз экономикани тубдан қайта қуриш зарурлиги тўғрисида гапирганимизда маҳсулот сифатининг анча оширилишини унинг энг муҳим натижаларидан бири деб биламиз. Партия съезди сифат проблемасини умуммиллий вазифа сифатида ўртага қўйди. КПСС Марказий Комитети барча меҳнаткашларга махсус хат билан мурожаат этди. Ҳозир жуда аниқ қилиб айтиш мумкинки, совет кишиларининг кўпчилиги мана шу ғоят муҳим проблема ҳеч кечиктирилмай ҳал этилиши зарурлигини англамоқда.

Кўпгина меҳнат коллективлари ишга астойдил киришдилар. Олмаота станоксозлик заводи, Таллин машинасозлик заводи, Фарғона «Азот» бирлашмаси, Москва областидаги «Электроизолит» бирлашмаси, «Бакэлектробитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби ва бошқа корхоналар унча кўп харажат қилмай, асосан меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш, кечиктириб бўлмайдиган бир қанча ташкилий-техникавий чораларни амалга ошириш ҳисобига кейинги вақтларда шикоятлар миқдори кескин камайди ва маҳсулотнинг стандарт талабларига қатъий мувофиқ равишда ишлаб чиқарилиши таъминланди. Бу корхоналарда маҳсулот сифатини оширишга ишлаб турган машина-ускуналарда эришилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шундай қилиб, бугуннинг ўзидаёқ янги техника олинишини кутиб турмай машиналар, ускуналарнинг, халқ истеъмоли буюмларининг сифатини яхшилаш йўлида қатъий қадамлар қўйиш мумкин ва лозим. Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва СССР Министрлар Совети махсус қарор қабул қилганликларини биласизлар. Техникавий ва иқтисодий характердаги чоралар, маҳсулотни стандартлаш ва аттестациядан ўтказиш, нарх белгилаш, маънавий ва моддий рағбатлантириш системаси маҳсулот сифатини оширишга қаратилган. Корхоналарда маҳсулотни давлат йўли билан идоралардан мустақил равишда қабул қилиб олиш жорий этилмоқда.

Партия комитетлари яқин вақт ичида ишни анча ўнглаб олиш учун ишлаб чиқариш коллективларининг, давлат контроли ва қабул қилиш органларининг фаолиятини актив қўллаб-қувватлашлари жуда муҳимдир. Эксперимент тариқасида маҳсулотни идоралардан мустақил равишда қабул қилиб олиш системаси ўтган йили жорий этилган корхоналарнинг тажрибаси ишларни ўнглаб олиш реал эканлигини кўрсатмоқда.

Моддий ресурслардан фойдаланишда ҳам қатъий ўзгартиришларга эришиш лозим бўлади. Яқинда Марказий Комитет ва СССР Министрлар Советининг шу хусусдаги қарори ҳам қабул қилинди. Қарорда хом ашё ва материалларни тежаш юзасидан тиғиз топшириқлар белгиланди. Ресурсларни тежаш — материалларга, ёқилғига, электр энергиясига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларни қондиришнинг ҳал қилувчи манбаидир. Биз шу беш йилликда миллий даромад ўсишининг тўртдан бир қисмидан кўпроғига шу йўл билан эришишни мўлжалламоқдамиз.

Бу муҳим вазифа, аммо хўжалик раҳбарларининг ҳаммаси ҳам эски тасаввурлар билан ўралашиб қолиб, уни тушунаяпти, деб бўлмайди. Автомобиль саноати министрлиги, Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлиги, Кўмир саноати министрлиги, Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Енгил саноат министрлиги бир қанча турдаги ресурсларни тежаш юзасидан топшириқларни мунтазам барбод этиб келмоқдалар. Корхоналарнинг талайгина қисми ҳамон ғоят қимматли хом ашё ва маҳсулотнинг бевосита нобуд бўлишига йўл қўймоқда. Ҳар йили нефть билан йўл-йўлакай чиқадиган 13 миллиард кубметр газ машъалаларда беҳуда ёнмоқда. Темир йўл орқали ташиш чоғида миллионлаб тонна кўмир нест-нобуд бўлмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобудгарчилиги ғоят катта бўлиб, у умуман салкам 20 процентга боради. Қанчадан қанча электр энергия, иссиқлик, сув беҳуда сарфланишини айтмайсизми? Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш ҳали ҳам яхши йўлга қўйилган эмас.

Шуни тўппа-тўғри айтиш керак: биз шундай маррага етиб келдикки, бу маррадан ўтилгач, бу қадар хўжасизликка тоқат қилиб бўлмайдигина эмас, балки уни бартараф этишга қурбимиз етмай қолади. Илдиз отиб кетган иллатларни бартараф этиш учун фан-техника сиёсатини, планлаштиришни, иқтисодий ва маъмурий воситаларни ишга солиш зарур. Биз исрофгарчиликка қарши шафқатсиз кураш эълон қилишимиз, ғоят қаттиқ тежамкорлик режимини ўрнатишимиз шарт. Ресурсларни тежаш ва улардан фойдаланиш даражаси юзасидан топшириқларнинг бажарилиши ҳар бир корхона ва коллектив ишига баҳо беришда асосий мезонларнинг бири бўлиб қолишига эришиш керак.

Хом ашё ва материалларни тежаганлик учун активроқ рағбатлантириш ҳам лозим. Ресурсларни тежаганлик учун бериладиган ҳақ деярли тийинларни ташкил этишини нормал ҳол деб бўладими, ахир? Бундай қилиш сира ҳам ярамайди, албатта. Тежамкорлик ҳар бир меҳнатчининг одатига, асл фазилатига айланиб қолиши ҳам керак. Оилада, мактабда ёш авлодни доимо тежамкорлик руҳида тарбиялаш лозим.

Ўртоқлар! Беш йиллик планда агросаноат комплексини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Биз белгиланган кўрсаткичлар билан Марказий Комитетнинг 1982 йил май Пленуми йўлига амал қилмоқдамиз. Агросаноат комплекси капитал маблағларининг, маҳсулот ишлаб чиқаришининг ҳажмлари, унинг моддий-техника таъминоти асосан Озиқ-овқат программаси топшириқлари даражасида белгиланган. Маҳсулотни қайта ишловчи, сақловчи корхоналар, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари устун даражада ривожлантирилади.

Умуман аграр секторнинг потенциалини кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу эса сўзсиз, асослидир. Шу билан бирга биз мазкур соҳага сарфланаётган ғоят катта ресурслар ҳали етарлича самара бермаётганлигини ҳам равшан кўришимиз керак. Ўн биринчи беш йиллик умуман паст кўрсаткичлар билан якунланди. Бу эса одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш суръатларига таъсир қилди.

Холисона айтиш керакки, кейинги вақтларда аграр секторда ижобий силжишлар бўлмоқда. Аммо агросаноат комплексининг барча тармоқларида ва ҳамма областлар, ўлкалар ҳамда республикаларда ҳам шундай силжишлар рўй бераётгани йўқ. Бизнинг олдимизда деҳқончилик маҳсулотлари, аввало донли ва озуқабоп экинларнинг барқарор етиштирилишини таъминлаш вазифаси ўткир бўлиб турибди. Бу бош проблема бўлиб чорвачиликни барқарор ривожлантириш, колхоз ва совхозларнинг даромадлари, қайта ишловчи корхоналарнинг экономикаси кўп жиҳатдан ана шу проблеманинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ бўлади.

Аҳволни яхшилаш сари қатъиян ўзгартириш учун аграр сектордаги ишни кучайтириш лозим бўлади. Ўртоқлар, бунинг учун катта-катта резервлар мавжуд. Бу резервлар, аввало шу пайтгача вужудга келтирилган улкан потенциалнинг ўзидадир. Биз амалда барча зоналарда қишлоқ хўжалигини самарали юритиш тажрибасига эгамиз. Бошқарувни ва хўжалик юритиш системасини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар туфайли қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат активлигини ошириш учун иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилган.

Тафсилотларга берилмасдан энг муҳим нарсани яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман: интенсив технологияларни кенг қўлланиш далалар ҳосилдорлиги ва чорвачилик фермаларининг маҳсулдорлигини юксалтиришга олиб борадиган йўлдир. Бу эса деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам энг яхши натижаларга эришишнинг жуда реал йўлигина бўлмай, балки ғоят самарали йўли ҳамдир.

Биз куч ва воситаларни агросаноат комплексининг ҳал қилувчи участкаларида жамлаш йўлини бундан буён ҳам давом эттиришимиз керак. Бу — қишлоққа сарфланаётган маблағлардан салмоқли самара олишнинг ишончли шартидир. Мамлакатимизнинг ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, ресурсларни у маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми нуқтаи назаридан ҳам, иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан ҳам энг яхши натижаларни таъминлайдиган хўжаликлар ва районларда жамлаш мақсадга мувофиқдир. Шу муносабат билан ресурсларни қайта тақсимлаш, уларни ишлаб чиқаришнинг конкрет ҳажмлари учун ажратиб бериш тўғрисида яна бир ўйлаб кўриш ўринлидир.

Областлар, эҳтимол баъзи жойларда районлар миқёсида ҳам илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ўз зонасидаги колхоз ва совхозларни жадал ривожлантириш воситалари бўлиб қолиши, прогрессив технологияларни, хўжалик юритишнинг илғор методларини жорий этишда уларга ёрдам беришлари учун шундай бирлашмаларни ташкил этиш тўғрисидаги масалани ҳам пухта ишлаб чиқиш керак бўлади. Бундай ёндашув иқтисодий потенциалдан оқилона фойдаланишни, юксак пировард натижалар олишни гарантиялайди.

Молдавияда, Украинада, бошқа республикаларда ҳозирдаёқ шундай тажриба мавжуд. Бу республикаларда зонал институтлар, ўқув ва тажриба хўжаликлари базасида бирлашмалар тузилган. Бир қанча қардош социалистик мамлакатларда ҳам худди шундай тажриба бор. Бу тажрибани чуқур ўрганиш ва амалда актив фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлаймиз.

Модомики, биз агросаноат ишлаб чиқаришида жиддий муваффақиятларга эришмоқчи эканмиз, фақат анъанавий йўллардангина бориб бўлмайди. Биз ресурсларни жамлаш, ҳал қилувчи йўналишларда устунликларни вужудга келтириш, янги хўжалик механизми заминидаги ва бошқарув структурасидаги афзалликлардан моҳирона фойдаланиш йўли билангина самарали ҳаракат қилиб, ишлаб чиқаришни тез ривожлантира оламиз, СССРнинг Озиқ-овқат программаси ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал эта оламиз.

Ниҳоят, ўртоқлар, бизнинг ўн иккинчи беш йилликдаги муваффақиятларимиз бошқарувни, бутун хўжалик механизмини такомиллаштириш соҳасидаги ишни бундан буён қандай юритишимизга боғлиқ бўлади. Бу ишнинг принциплари белгилаб олинган. Бир томондан биз халқ хўжалигини бошқаришдаги марказлаштирилган асосларни бундан буён ҳам такомиллаштириб, Госпланнинг ва бошқа иқтисодий идораларнинг ролини ошириб боришимиз, министрликларнинг вазифаларини аниқлашимиз керак. Иккинчи томондан эса корхоналар ҳамда бирлашмаларнинг ҳуқуқлари ва хўжалик жиҳатдан мустақиллигини бутун чоралар билан кенгайтириш, ўз фаолиятининг натижалари учун уларнинг масъулиятини ошириш лозим.

Эндиликда бунга ҳамма қўшилади, деб ўйлайман. Бироқ бошқарувда демократик централизмни рўёбга чиқариш борасидаги амалий ишлар ҳозирги вазият тақозо этаётганидек бормаяпти. Биз экспериментлар ўтказдик, умидбахш натижалар олдик, аммо иш уларни кенг ёйишга келганида кўпинча чекинамиз. Ҳозирдаёқ хўжалик механизми системасидаги кўп нарса синаб кўрилган бўлиб, янгиликларни практикага дадилроқ жорий этиш, бутун фронт бўйлаб ҳаракат қилиш керак деса бўлади. Бунинг учун марказий хўжалик идоралари ва иқтисодий идоралар XXVII съезднинг принципиал йўл-йўриқлари асосида хўжалик юритишнинг янги принципларига ўтиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тезроқ ишлаб чиқиб қабул қилишлари керак.

Бизда неча ўн йиллар мобайнида тўпланган кўпдан-кўп инструкциялар, қоидалар ва методикалар съезднинг талаблари ҳамда съезддан кейин қабул қилинган қарорларга мувофиқ қайта ишлаб чиқилиши, қайта қуришга зид бўлганларини эса қатъиян бекор қилиш зарур. Ўртоқлар, бусиз биз олға силжий олмаймиз. Бошқарувдаги чинакам централизм ишлаб чиқариш коллективларининг, илмий ва конструкторлик коллективларининг кўп қиррали ҳаётини бюрократларча чеклаш билан мутлақо алоқаси йўқ. Уларни тўқиб чиқарилган кўрсатмалар ва методикалар билан чулғаб олишнинг кўп йиллар мобайнида қарор топган тартиби раҳбарлар ва лойиҳачиларни вужудга келадиган хўжалик масалалари ҳамда техникавий масалаларни оператив равишда ҳал этиш имкониятидан маҳрум қилади.

Бунда мамлакат миқёсларида бой берилган наф кўплаб миллиард сўмга етади. Ҳар қадамда шундай ҳолларга дуч келинмоқда. «Криогенмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. П. Беляков, «Электросила» бирлашмасининг бош директори Б. И. Фомин, «Владимир Ильич номли завод» бирлашмасининг бош конструктори В. И. Радин, бошқа кўпгина тажрибали хўжалик ходимлари, олимлар ва лойиҳачилар ана шундай ҳоллар тўғрисида ёзган эдилар.

Бу ишда тартиб ўрнатиш ва меҳнат коллективларининг ҳуқуқларини реал кенгайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Шу мақсадда социалистик корхона (ишлаб чиқариш бирлашмаси) тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқишни жуда қисқа муддатларда ниҳоясига етказиш зарур. Бу ҳужжат хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитлари концепциясига асосланиши, кейинги вақтларда тўпланган тажрибани умумлаштириш, корхоналар ҳамда ишлаб чиқариш бирлашмаларининг хўжалик жиҳатидан мустақиллигини бутун чоралар билан кенгайтиришга, уларнинг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган йўлни рўёбга чиқариш билан боғлиқ барча яхши натижаларни мустаҳкамлаши керак.

Шу билан биз министрликлар ва корхоналар ўртасидаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни мақбул тарзда тақсимлашни бошлаб берамиз, меҳнат коллективларини майда-чуйда ҳомийликдан ва маъмуриятчиликлардан, уларнинг оператив хўжалик фаолиятига асоссиз равишда аралашувдан қонун йўли билан ҳимоя қиламиз. Бу эса ўртоқлар, экономикамизни бошқаришни демократлаштириш, меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини ривожлантириш йўлида олға томон муҳим қадам қўйилганлигини билдиради.

Ўзларингизга маълумки, XXVII съезд халқ хўжалигига раҳбарликнинг иқтисодий методларини чинакамига эгаллаб олиш вазифасини қўйди. Бу муносабат билан аввало илғор нормалар ва нормативларнинг ишлаб чиқилишини таъминлаш лозим бўлади. Госплан шу ғоят муҳим ишга бошчилик қилиши, унга министрликлар ва идораларни, олимларни, бирлашмалар ва корхоналарнинг мутахассисларини кенг жалб этиши керак. Дарҳақиқат, бу ишни пайсалга солиб бўлмайди. Биз асосланган иқтисодий нормативларни яратмай туриб корхоналар фаолиятини чеклаб қўяётган ҳар турли инструкциялар юкидан ҳалос бўла олмаймиз, раҳбарликнинг маъмурий усулларидан иқтисодий методларга ўтиш қийин бўлади. Бу эса биз тобора кенг ёйиш ниятида бўлган ўзини-ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш принципларидан фойдаланишга тўсқинлик қилади.

Ниҳоят бошқарувнинг иқтисодий методларини ривожлантиришда нарх белгилашнинг ғоят муҳим аҳамияти тўғрисида ҳам айтиб ўтиш керак. Бу ишда ҳал этилмаган кўпгина масалалар йиғилиб қолди. Модернизациялаш баҳонаси билан машина ва ускуналарнинг нархлари, қурилишнинг смета қиймати тобора оширилмоқда. Ассортиментдаги ўзгаришлар, «ялпи маҳсулот» кетидан қувиш кўпинча истеъмол молларининг нархлари асоссиз равишда оширилишига сабаб бўлмоқда.

Афсуски, давлат ва хўжалик органлари кўпинча бунга панжа орасидан қараяпти деса бўлади, кўпинча эса шу органларнинг ўзлари нархлар «сакраши» ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайтирилишидан манфаатдор бўлиб қолмоқдалар. Текшириш натижаларига кўра, ўтган йилнинг ўзидагина нарх белгилаш тартиби бузилганлиги учун корхоналар қонунга ҳилоф равишда олган фойданинг 100 миллион сўмдан кўпроғи бюджет даромадига қайтариб олинди.

Ўртоқлар, бу ниҳоятда хатарли тенденция эканлиги ҳақида огоҳлантириб қўймоқчиман. Нархларни сунъий равишда ошириш иқтисодий қусурларни тузатмай, балки ходимларни бузади, техника тараққиётига тўғаноқ бўлади холос. Сарф-ҳаражат ёндашувига асосланиб нархларнинг оширилиши ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этишдаги камчиликларни яширади, хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини излаб топишга эътиборсизликни туғдиради.

Нархларнинг оширилишини молларнинг истеъмолчилик хусусиятлари анча яхшиланганлиги, буюмларнинг бир мунча юксакроқ самарадорлиги сабаб бўлган тақдирдагина оқлаш мумкин. Биз нарх белгилашда тартиб ўрнатишимиз лозим. Шу жиҳатдан Нархлар давлат комитети аниқ-равшан ва принципиал йўл тутиши керак. Кредит иши, бутун банк ишини такомиллаштириш масалалари ҳам пишиб етилди. Биз хўжалик юритишнинг янги методларига ўтар эканмиз, иқтисодий бошқаришнинг ғоят муҳим органи бўлмиш банкнинг ролини оширишимиз лозим.

Шундай проблемани алоҳида ажратиб кўрсатишни истардимки, уни ҳал этмай туриб, биз ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда экономикадаги ортиқча ҳаражатларни бартараф этиш вазифасини муваффақиятли бажаришимиз амримаҳол. Гап машъум «ялпи кўрсаткич» тўғрисида бормоқда. Ялпи кўрсаткичлар бўйича топшириқлар турли формада тармоқлар, регионлар, корхоналар фаолиятига баҳо бериш чоғида асосий мезонларнинг биридир. Модомики шундай экан «ялпи маҳсулот»ни кўпайтириш мақсадида кўпинча қимматли материаллардан фойдаланилади, машиналарнинг вазни оширилади, тонна-километрлар ортиқча кўрсатилади, хўжалик ички обороти бўрттирилади ва ҳоказо. Биз самарадорлик учун курашмоқдамиз, лекин хўжалик раҳбарлари ҳақиқатан ҳам қандай бемаъни аҳволда қолаётганликларини бир кўринг: арзон буюм тайёрласалар — пул билан ҳисоблаганда маҳсулотни кам берганликлари учун таънага қоладилар, янгиликни жорий этиб, ресурсларни тежаб қолсалар — яна корхонани, ҳатто бутун тармоқни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўядилар.

Шундай бир мисол келтираман. Бундан икки ярим йил муқаддам бир қанча министрликларнинг автотранспорт корхоналарида иқтисодий эксперимент бошланган эди. Унинг қатнашчилари ўз ишларини шундай планлаштира бошладиларки, бунда одамлар тонна-километрлардан эмас, балки ҳамма юкларни олинган буюртмаларга мувофиқ энг кам харажат билан ўз вақтида етказиб беришдан манфаатдор бўлар эдилар. Хўжалик ходимларини мавжуд бўлмаган тонналар ва километрларни қўшиб ёзиш билан шуғулланишга ундаган сабаблар бартараф қилинди.

Мана натижаларни бир кўринг: буюртмаларни бажариш — ишнинг мана шу ғоят муҳим кўрсаткичи 100 процентга етди. Айни вақтда автомашиналар ва хайдовчиларга бўлган эҳтиёж камайди, ёнилғи сарфи 18 процент озайди. Шундай иш шароитларини ҳамма жойда оммалаштириш мамлакат миқёсларида минглаб машиналар ва ҳайдовчиларни холи қилиш, 5 миллион тоннадан кўпроқ мотор ёнилғисини тежаш имконини беради.

План органлари янгича иш методини, маҳкам ушлаб олишлари керакдек эди. Қаёқда дейсиз! СССР ва РСФСР Госпланларининг баъзи масъул ходимлари умрини яшаб бўлган планлаштириш системасини ҳимоя қилишга кўкракларини қалқон қилиб отландилар, деса бўлади. Гап шундаки, илгари планлаштирилган ялпи кўрсаткич, юк ташиш ҳажмлари «пуч» бўлиб чиқди. Мана шу ҳисоб-китоблар яроксиз эканлигини эса план ходимлари тан олишни истамадилар. Янгиликни ҳазм қилмаслик, хўжалик механизмини қайта қуриш билан шуғулланишни истамаслик, умрини яшаб бўлган иш методларидан воз кечишни хоҳламаслик намунаси деб мана шуни айтадилар.

Кўпгина тармоқларда ялпи кўрсаткичлар ҳамон устунлик қилмоқда. Бунинг устига масалан, қурилишда СССР Госплани ва СССР Молия министрлигининг маъқуллаши билан баҳо беришнинг асосий кўрсаткичи сифатида яна ўша ялпи кўрсаткични тиклашга уринмоқдалар. Илғор қурилиш ташкилотларининг тажрибаси айни бошқа нарсадан — уларнинг ишига қурилиш-монтаж ҳажмига қараб эмас, балки тайёр маҳсулотга, объектларнинг ишга туширилишига қараб баҳо бериш ва рағбатлантириш кераклигидан далолат бераётганига қарамай шундай қилинмоқда. Ўртоқлар, мана шу «ялпи тугун»ни парчалаб ташлаш вақти келди, деб ўйлайман, акс ҳолда биз харажат механизмини бартараф этиш йўлидан олға ҳаракат қила олмаймиз.

Бошқарув масалаларини кўриб чиқа туриб, ҳаёт ўртага қўяётган халқ хўжалик проблемаларининг ҳал этилиши учун СССР Госпланининг жавобгарлиги тўғрисида гапириб ўтмасдан бўлмайди. Ташкил этиш чоғида экономикага раҳбарликнинг ақлий маркази сифатида ўйлаб тузилган Госплан кўп жиҳатдан диспетчерлик вазифаларини бажаришни давом эттирмоқда. Унинг даргоҳида кўпинча тармоқларнинг раҳбарлари ва ҳатто корхоналарнинг директорлари бемалол ҳал эта оладиган масалалар ҳал қилинмоқда. Айни вақтда эса мамлакат стратегик план органининг асосий вазифасини ташкил этган ишлар қилинмаяпти.

Кундалик ишлар асосий социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш йўлларини қидириб топишдан, халқ хўжалигини ривожлантиришда пропорциялар ва афзалликларни танлаб олишдан, структура сиёсатини, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни, экономиканинг мутаносиблигини белгилашдан чалғитмоқда. Биз кўп нарсани бой бериб қўйганлигимизнинг боиси мана шунда. Умуман план ишини жиддий қайта қуриш керак.

Ўртоқлар! Мамлакатни истиқболда ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиб, келгусидаги чора-тадбирларни белгилай туриб, биз ҳозирги пайт вазифаларини назардан четда қолдирмаслигимиз, керак. Шу йилги планларнинг муваффақиятли бажарилиши, бинобарин эса бутун беш йилликнинг муваффақияти ҳам мана шу вазифаларнинг тўғри ҳал этилишига боғлиқ. Ҳозир қишлоқ меҳнаткашлари айниқса муҳим вазифаларни адо этмоқдалар. Аграр сектордаги шу йилнинг натижалари биз учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ўзларингизга маълумки, беш ойнинг якунларига кўра, чорвачиликда дуруст натижаларга эришилди. Уларни мустаҳкамлаш муҳим.

Лекин дон, мева ва сабзавот, озуқабоп ва техника экинларини етиштириб, уларнинг ҳосилини тўла-тўкис йиғиштириб олиш-асосий вазифадир. Бу — умумхалқ иши. Унга кундалик ишда худди шундай ёндашиш керак. Кўпгина районлар учун қийин бўлган ҳозирги шароитларда етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нобудгарчиликка йўл қўймай йиғиб-териб олиш ва сақлаш айниқса муҳимдир.

Ҳозир саноат, капитал қурилиш, транспорт фаолиятида масъулиятли палла бошланмоқда. Уларнинг ишидаги натижаларнинг пасайишига йўл қўйиб бўлмайди, аксинча ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини оширишга, барча планларни сўзсиз бажаришга ҳаракат қилиш керак. Қиш фаслида ишлашга ҳам ўз вақтида ҳозирлик кўриш муҳим. Биз ўтган қиш фаслидан сабоқ чиқариб олишимиз шарт. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шуни эътиборга олиб, яқинда қабул қилган қарорида халқ хўжалигини бўлажак куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан конкрет чоралар белгиланган.

Партия, совет ва хўжалик органларининг эътибори ҳозирнинг ўзидаёқ шу қарорни бажаришга қаратилиши керак. Шаҳар ва қишлоқларнинг барча ҳаёт таъминоти соҳасини тегишли ҳолга келтириш зарур электр ва иссиқлик таъминотининг пишиқ-пухталигини, энергетика агрегатлари ремонтини ҳамда янги қувватларнинг планлаштирилган тарзда ишга туширилишини таъминлаш, корхоналарда ва коммунал хўжалигида ёқилғи запасларини ўз вақтида вужудга келтириб қўйиш лозим. Хуллас, иш шундай йўлга қўйилиши керакки, ҳар қандай шароитларда ҳам аҳоли турмушда ноқулайликни сезмасин, меҳнат коллективлари нормал ишлаб чиқариш режимида ишлайдиган бўлсин, экономика эса барқарор ривожланиб, суръатларни ошириб бораверсин.

Иқтисодий сиёсатнинг принципиал ва кундалик масалаларига оид мулоҳазалар ана шулардан иборат, ўртоқлар. Ўн иккинчи беш йилликда халқ хўжалигини тубдан ўзгартиришнинг кенг миқёсли программасини бажариш мана шу масалаларнинг ҳал этилишига белгиловчи даражада боғлиқ бўлади. Беш йиллик план топшириқларини амалга ошириш социалистик система динамизми, унинг ҳаётий кучи янги далили, КПСС XXVII съезди йўлини амалга оширишдаги катта қадам бўлиб қолади.

III.

## ПАРТИЯВИЙ ИШНИ АКТИВ ҚАЙТА ҚУРАЙЛИК

Ўртоқлар! Мамлакатнинг тақдири, унинг ҳозирги куни ва келажаги учун ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш ҳақида гап борганида Ленин: «Партия — масъулиятлидир», деб таъкидлаган эди.

Бизнинг партиямиз мамлакатни идора қилувчи партиядир, унинг қўлида ижтимоий жараёнларга таъсир ўтказишнинг қудратли воситалари бор. Назария ва сиёсат, ташкил этиш ғоялари ва кучи, ишлаб чиқаришдаги ва бошқарувдаги, фан, техника, маданият соҳасидаги миллион-миллион коммунистлар — қудратли партиявий потенциалдир.

Миллион-миллион меҳнаткашларнинг активлиги, халқ ижодкорлигининг миқёси ва теранлиги — ҳал қилувчи жадаллаштириш кучи кўп жиҳатдан партия ташкилотларининг қандай иш тутаётганига боғлиқ. Биз инсонни партиявий иш марказига қўйиш орқалигина съезд илгари сурган вазифаларни ҳал эта оламиз. Партиявий ишни тубдан қайта қуришнинг асосий моҳияти ҳам одамларга, жонли ишга эътиборни қаратишдан иборат.

Съезддан кейин ўтган ойлар нималарни кўрсатди? Кўпчилик партия кадрлари қайта қуриш ғояларини ҳайрихоҳлик билан қабул этдилар ва бу ғоялар амалий ишларда рўёбга чиқа бошлади. Маҳаллий ва марказий партия, совет ва хўжалик органлари ўзаро муносабатларининг янги муҳити вужудга келди. Кўпгина амалий масалалар яхшироқ тушунилиб, тезроқ ҳал этилмоқда. Проблемаларни ўртага қўйишда, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг савияси ошкоралиги ва ўткирлигига келганда, биз бир поғона юқори кўтарилдик.

Москва, Ленинград, Киев, Минск, Донецк, Челябинск, Суми, Татаристон партия ташкилотлари ишлаб чиқаришни интенсивлаш билан чуқур ва кенг миқёсда шуғулланмоқдалар. Брест, Волгоград, Ульяновск, Харьков, Иркутск, Липецк, Ростов ва кўпгина бошқа областлар, ўлкалар, республикаларнинг коммунистлари экономикани ва социал соҳани ривожлантириш масалаларини зўр ғайрат билан ва аниқ мақсадни кўзлаб ҳал этмоқдалар.

Ҳамма партия ташкилотлари муҳим қадамлар қўймоқдалар. Ҳозирги замонга хос янги иш формалари ва методларини излашнинг ўзи ҳам осонгина бораётгани йўқ. Гўё съездда янграган йўл-йўриқлар катта сиёсатга тааллуқлидир, амалий иш эса ўзининг сийқа йўлидан давом этаверади, деган тасаввурларга дуч келинмоқда. Мана шундай кайфиятлар партиялилар орасида ҳамон давом этаётганини айтиб ўтмоқ керак.

Чунончи, Курск область партия ташкилотини олайлик. Бу областнинг ҳамма районларига ҳам ишга ижодий муносабат, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи кириб боргани йўқ. Буйруқбозлик оҳангида ишлаш усули жуда яшовчан бўлиб чиқди. Масалан, Октябрь район партия комитетида унинг биринчи секретари ўртоқ В. А. Анпилогов ва бошқа баъзи партия ходимлари танқидга салбий назар билан қараб келдилар, ўзларига «қулай» кишиларга ҳомийлик қилдилар, йўл қўйилган камчиликларни яширишга уриндилар, ҳақиқий аҳволни бежаб кўрсатиш учун эса кўпинча хўжалик раҳбарларини қўшиб ёзишга ундадилар, партия ташкилотларининг ташаббускорлигини, одамларнинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий активлигини ривожлантириш ҳақида кам ғамхўрлик қилдилар. «Красное знамя» колхози партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. С. Шевелев мана шулар ҳақида марказий газетага ёзиб юборди.

(Давоми тўртинчи бетда).

